Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил
3 февраль
ЧОРШАНБА
№ 11 (12855)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ишбилармонлик

## ДУНЁ БОЗОРИГА ЙЎЛ ТОПГАНЛАР

**Мамлакатимиздаги қулай ишбилармонлик муҳити кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва маҳсулотларни тўғридан-тўғри экспорт қилиш учун кенг имкониятлар яратмоқда.**



Жумладан, Зангиота туманида 2005 йилда иш бошлаган "Telekom texnologiya" масъулияти чекланган жамияти дастлаб жунни қайта ишлаб, экспорт қилиш билан шуғулланди. 2011 йилдан 12 ёшгача бўлган болалар учун трикотаж ва тўқув маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ўз олдига сифатли ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни мақсад қилган корхона 2012 йилда Ислом тараққиёти банкининг 178 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредити ҳисобига, Япония технологияси асосидаги энг замонавий техникаларни харид қилди.

Корхонанинг моделлаштириш-тажриба, кесим, тикув, дазмол ва қадоқлаш каби бўлимларида 170 га яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг 15 нафари коллеж битирувчиларидир. Коллежлар билан тузилган шартномага мувофиқ, бўлғуси мутахассислар амалий машғулотларни шу ерда ўтаб, зарур кўникмага эга бўлишмоқда.

– Ишни эрталабки бадантарбия машқлари билан бошлаймиз, – дейди корхона раҳбари Умидулло Солиев. – Ходимларимиз махсус ажратилган автобусларда қатнашади. Тиббиёт ва бошқа хоналар иссиқ. Тушликда мини-майдончада волейбол ўйнашади. Бу ишчиларимизга яхши кайфият бағишлаб, иш суръатини оширади.

Корхонанинг киравериш эшигига текширув аппарати ўрнатилган бўлиб, агар у корхона ишчисини "таниса", ичкарига киритади. Шу орқали ходимлар назорати енгиллаштирилган. Техникалар автомат тарзда бошқарилади. Барча бўлимларга кузатув камералари ўрнатилган.

– Тадбиркорнинг дунё бозорига чиқиши, у таклиф этаётган маҳсулот сифатига боғлиқ, – дейди модельер-конструктор Дилфуза Назарова. – Яъни, маҳсулот халқаро стандартлар даражасида тайёрлансагина, ўз харидорини топади. Корхонамизнинг маркетинг тадқиқотчилари жаҳон бозоридаги вазиятни мунтазам назорат қилишади. Қандай бичим ва ранг урф эканига қараб, иш юритамиз.

– "Bonito kids" бренди остида маҳсулотларимизни Россия ва Қозоғистон давлатларига экспорт қиламиз, – дейди директор. – Ўтган йили 1 миллион 300 минг АҚШ долларидан зиёд маҳсулот экспорт қилдик. Брендимиз Россияда жуда машҳур бўлиб, у ерда махсус дўконимиз фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, 40 га яқин савдо шахобчаларида маҳсулотимиз сотуви йўлга қўйилган. Келгусида эса Қозоғистонда ҳам махсус дўконимизни очиш ҳамда аёллар ва эркаклар учун жинсидан турли кийимлар ишлаб чиқариш режамиз бор.

Корхона раҳбари Италия, Франция, Россия давлатларида ўтказиладиган кўргазмаларда мунтазам қатнашаётгани янги-янги буюртмаларни қўлга киритиш ҳамда "Made in Uzbekistan" белгили маҳсулотларнинг жаҳон бозорига кириб боришига замин яратмоқда.

Зангиота туманида чет эллик ҳамкорлар билан ташкил этилган қўшма корхоналар кундан-кунга ривожланиб, маҳсулотлари хориж бозорларига дадил кириб бормоқда. Шундай корхоналардан бири "Vision textile" қўшма корхонасидир.

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

**Истиқлол Алишер Навоийга муносабатни тубдан ўзгартириб юборди. Аслида, бу буюк шоир ва мутафаккир ҳаёти ва ижодига муносабатнинг ўзгариши истиқлол арафасидаёқ бошланган эди.**

## ИСТИҚЛОЛ ВА НАВОИЙ

Ўзи ўша 1991 йил халқимиз ва республикамиз учун бошидан хайрли келган. Ҳали собиқ иттифоқ таркибида турган республикада илгарилари бирон-бир йил алоҳида ном билан юритилганини ҳеч эслайсизми? Йўқ. 1991 йилни эса Ўзбекистон Президенти аввал бошдан улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан "Алишер Навоий йили" деб эълон қилган эди.

Мустақилликнинг биринчи ойи охирларида Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Илмий анжуманлар, учрашувлар, сайиллар, концертлар бўлди. Ўзбекистон миллий боғига шоир номи берилди. Боғ марказидаги энг баланд тепаликда буюк зотнинг басавлат ҳайкали қад ростлади. Очилиш маросимида Мустақил Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов халқ вакиллари олдида ёрқин нутқ сўзлади.

1991 йили Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Тил ва адабиёт институтига Алишер Навоий номи берилди. Бундан олдин ушбу илмий даргоҳ А. С. Пушкин номи билан аталиб келинган. Ҳеч ким А. С. Пушкин номига қарши эмас. У буюк рус шоири. Лекин қайси мантиқ, қандай боғлиқликка кўра, ўзбек тили ва адабиётини тадқиқ этадиган дунёда ягона илмий даргоҳга рус шоири номи берилиши керак?..

Ҳар бир иттифоқдош республикада ўз халқи тили ва адабиётини ўрганадиган институт бор эди. Ҳолбуки, Озарбайжонда худди шундай илмий даргоҳ Низомий, Тожикистонда Рудакий, Туркманистонда Махтумқули, Қозоғистонда Абай... номи билан юритилар эди.

Хуллас, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўзбек тили ва адабиётини ўрганишга ихтисослашган институтга Алишер Навоий номи берилиши билан ана шу адолат тикланди.

Навоийга муносабат истиқлол даври маънавий сиёсатининг ўзагида турибди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмас.

Президент Ислом Каримов 2000 йилнинг январида иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясида Алишер Навоий ижодининг миллий маънавиятимиздаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида алоҳида фикр билдирди. Бу мулоҳазалар Навоийни ёшларга кўпроқ англатиш учун ниҳоятда зарур.

"...Жойларга борганда янги мактаблардаги синфларни кўрсатишади. Шунда адабиёт синфини ҳам кўрсатишди. Шу адабиёт синфида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш методикаси акс этган экан.

(Давоми 4-бетда).

## ВАТАНПАРВАРЛИК – МУҚАДДАС ТУЙҒУ

**Ватанпарварлик туйғуси ҳар бир инсон қалбини тўлқинлантириши табиий, албатта. Муқаддас китобларда "Ватанни севмоқ имондандир" деган тушунча бежиз қайд этилмаган. "Ватан" арабча сўз бўлиб, "она юрт" маъносини англатиши ҳам мазкур туйғунинг ҳамма учун онадек азиз ва муқаддас эканини англатади. Ҳатто, денгиз тошбақасининг қирғоқдан анча олисда, қум остига қўйган тухумидан чиққан боласи ўша заҳотиёқ денгиз томон ошиқиши, қалдирғочларнинг ўз инига ҳар йили қайтиб келиши каби ҳолатларни ҳам инсонлар учун ибрат сифатида талқин этиш ўринлидир.**

Шу маънода ўзбек халқи тарихига назар ташлайдиган бўлсак, аждодларимизнинг хоҳ шоҳ, хоҳ гадо бўлсин, она-юртига нисбатан барқарор ватанпарварлик туйғуси таъсирида қаҳрамонликлар содир этиб, мангуликка муҳрланганлари айни ҳақиқатдир. Масалан, оддий чўпон Широқ Ватанига ёв бостириб келганда, ҳеч иккиланмай, жонини ҳам аямай, душманга қарши чиқиб, қаҳрамонлик кўрсатгани, Амир Темур бобомизнинг машаққатли ва суронли йўлларни босиб ўтиш орқали адолатли ва марказлашган буюк давлат барпо этгани, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Ҳиндистон шоҳи бўлсада, умрининг охиригача, Она юртига қайтиш соғинчи билан яшаб ўтгани юксак ватанпарварлик намунасидир.

Булардан ташқари, Аҳмад ал-Фарғоний, Мусо ал-Хоразмий, Абу Мансур ас-Самарқандий, Абу Наср ал-Фаробий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Абдул Қоҳир Журжоний, Фахриддин ар-Розий, Мирзо Улуғбек каби мутафаккир алломаларимиз ҳам кенг кўламли ижод ва кашфиётлари билан жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссалари орқали ватанпарварлик хислатларини намоён қилганлар.

(Давоми 4-бетда).

## МУНОЗАРАБОП МАВЗУЛАР ТАЛАЙГИНА

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қибрай туман кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган "Мунозара" тўгараги ёшларнинг маънавий, ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлигини ошириш, уларни жамиятнинг фаол аъзоси этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.**

Тўгаракнинг умумтаълим мактаблари юқори синфлари ҳамда касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари иштирокида бўлиб ўтган навбатдаги ўқув-семинари ёшларда ватанпарварлик ва фаол фуқаролик ҳиссини ривожлантириш, сиёсий ҳушёрликни ошириш, юз бераётган жараён ва воқеликлар хусусида мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятни юзага чиқариш, мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланди.

Семинар иштирокчилари ёшларни турли ёт ғоялар таъсиридан асраш, дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан тўғри хулоса чиқариш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш, ёшлар маънавиятини юксалтиришда миллий тарғиботнинг ўрни каби мавзуларда фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Тадбирда Тошкент Давлат аграр университетининг иқтидорли талабалари ўқувчиларда ташаббускорлик, нотиқлик ва етакчилик сифатларини шакллантириш юзасидан маҳорат дарсларини ўтишди.

Ўқув-семинар якунида энг фаол иштирокчиларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Қонун ва шарҳ

## ТАДБИРКОРЛАР ЭРКИНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ

**Мамлакатимизда кейинги йилларда тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳақ-ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш ва хусусий тадбиркорлик ривожига тўсқинлик қилаётган муаммоларни бартараф этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Республика Президентининг мамлакатни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда

(Давоми 2-бетда).

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

**Ҳар томонлама етук, баркамол авлодимиз порлоқ келажак сари дадил одимламоқда. Энди уни турли нохушликлардан асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.**

## ОРАСТА ҚИЗЛАР, ОҚИЛА ҚИЗЛАР

Бу борада вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви ҳамкорлигида қатор чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, вилоятимизнинг мактаб, коллеж, лицейларида "12 йиллик мажбурий таълим – биз қизлар учун ўта зарур ва муҳим" мавзуида семинарлар ташкил этилмоқда. Жумладан, Зангиота тумани 32-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган тадбир "Барча маҳаллалардаги "Ораста қизлар давраси" ҳамда таълим муассасаларидаги "Ораста қизлар" тўгарагининг Соғлом она ва бола йилида ўтказиладиган ҳафталик машғулотлари учун "Мавзулар ягона режаси"нинг ижросига бағишланди. Унда ўқитувчи ва ўқувчилар, ота-оналар, маҳаллалар фаоллари иштирок этди.

Мақсад – ўқувчи қизларга 12 йиллик мажбурий таълим жараёнининг муҳимлигини тушунтириш, уларни маънавий-ахлоқий, сиёсий, эстетик жиҳатдан камол топтириш, оилавий ҳаётга тайёрлаш, тиббий маданият, соғлом турмуш тарзига одатлантириш, миллий урф-одат, қадриятларимизга ҳурмат руҳида кийиниш ва муомала маданиятини ўргатиш, эрта турмуш ва қариндошлар орасидаги никоҳнинг олдини олиш, турли ёт ғоялардан, оммавий маданиятдан асраш.

(Давоми 2-бетда).

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

## «АРИЗАМИЗ НЕГА ИНОБАТГА ОЛИНМАЯПТИ?»

Газетанинг шу йил 16 январдаги 6-сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган шикоят хатида, жумладан, Паркент тумани "Қайилма" маҳалласида намунавий лойиҳа асосида қурилган 10 та уй яқинида бир тадбиркор молхона барпо этиб, 100 бошга яқин мол боқаётгани, унинг ҳидига чидаб бўлмаётгани, маҳаллада касаллик тарқалиши хавфи туғилаётгани баён этилганди.

Таҳририят жами 17 киши имзо қўйган ушбу шикоят хати юзасидан вилоят ДСЭНМ бош врачи Ғофур Тожибоев номидан жавоб мактуби олди. Унда таъкидланишича, ҳақиқатан ҳам тумандаги "Гулбоғ" қўрғони, Тонг кўчасида яшовчи фуқаро М. Маҳамадалиева ҳовлисида 100 бош қорамол боқиш учун молхона қурган эди. Шу муносабат билан туман ДСЭНМ ҳамда табиатни муҳофаза қилиш бўлинмаси М. Маҳамадалиевага боқаётган қорамолларини камайтириш тўғрисида 2015 йил 7 декабрда огоҳлантириш хати берилган бўлиб, шу йил 20 январь куни ўтказилган қайта ўрганиш давомида фуқаро қорамолларини 47 тага камайтиргани аниқланди.

Бундан ташқари, хонадонда қорамол боқиш, сақлаш ва мунтазам ветеринария кўригидан ўтказиш масаласи туман ветеринария бўлинмасининг ваколат доирасида бўлгани сабабли, мақолада кўрсатиб ўтилган муаммоларни назоратга олиш бўйича туман ветеринария бўлинмасига кўрсатма берилди.

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

## ЗИЙРАКЛИК ВА ЗУККОЛИК ҚАДРЛАНМОҚДА

**Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилаётган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида Тошкент Давлат аграр университетида "Тафаккур синовлари" танлови бўлиб ўтди.**



Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси, вилоят адлия бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда университет ҳамкорлигида ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, маънавий дунёқарашини бойитиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда турли диний оқимларга қўшилиб кетишининг олдини олиш мақсадида ташкил этилган танловда университетнинг еттита жамоаси қатнашди.

Иштирокчилар таништирув, савол-жавоб, "Эрта никоҳнинг салбий оқибатлари", "Экстремизмга қаршимиз" ҳамда "Бола тарбиясида ота-оналарнинг вазифалари" мавзуларига доир саҳна кўринишларидан иборат уч шарт бўйича билимларини синовдан ўтказишди.

Танлов якунида "Зиёкор" ҳамда "Юртим ниҳоллари" жамоалари ғолибликни қўлга киритди. Шунингдек, "Энг яхши сардор", "Энг қувноқ йигит" ҳамда "Энг маҳоратли актёр ёки актриса" номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Муқаддас ИСРОИЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Мансур НАХАЛОВ олган сурат.**

**Вилоят ҳокимлигида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида 2015 йилда амалга оширилган ишлар якунига оид йиғилиш бўлиб ўтди.**

## МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Унда вилоят ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, "Камолот", "Маҳалла" нодавлат ташкилотлари вакиллари, туман ва шаҳар ҳокимлари, ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиблари, касб-ҳунар коллежлари директорлари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудирлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Аҳмаджон Усманов олиб борди.

Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева вилоят ҳудудида вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятларнинг аксарияти Ангрен, Олмалиқ, Бекобод ва Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Зангиота, Бўстонлиқ ва Янгийўл туманларида содир этилганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

# ОРАСТА ҚИЗЛАР, ОҚИЛА ҚИЗЛАР



– Эртасини ўйлаб иш тутадиган, фарзандлари учун жонини аямайдиган халқмиз, – деди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева.– Муҳтарам Президентимиз Конституциямизнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганларидек: " ...юртимизда қиз болаларнинг – бўлғуси оналарнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом бўлиб вояга етиши, уларнинг ўрта мактабдан сўнг лицей ва коллежларда албатта таълим олишини таъминлаш, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган".

(Давоми. Боши 1-бетда).

Энг аввал, қизларимиз саломатлиги, маънавий, ахлоқий тарбияси доимий диққат эътиборимизда бўлиши кераклигини унутмайлик. Қолаверса, уларнинг мактаб, коллеж, лицейдаги юриш-туриши, ўқиши, одоб-ахлоқига жавобгар ўқитувчи, мураббийлар масъулияти ниҳоятда кучли. Бу борада, ўқитувчилар билан ота-оналарнинг доимий алоқада бўлиши муҳим аҳамиятга эга...

Семинарда шунингдек, "Ораста қизлар" тўгараклари аъзолари тайёрлаган мавзуга доир саҳна кўринишлари, қизиқарли савол-жавоб, баҳс-мунозаралар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Худди шундай семинарлардан яна бири вилоятимизнинг Янгийўл технология-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди. Семинар вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари, ўқувчилар, ота-оналар, "Ораста қизлар" тўгараги, маҳаллалардаги "Ораста қизлар давраси" аъзолари иштирокида ўтказилди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Мансур НАХАЛОВ олган сурат.**

# МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ





Вазирлар Маҳкамасининг "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган Низомга асосан "Огоҳлантириш" таъсир чораси, ички ишлар бўлими профилактик ҳисобга олиш, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш чоралари кўрилиб, вояга етмаганлар ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёхуд жамоат тарбиячилари назоратига топширилган.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вилоят комиссиясининг қарори билан болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, таълим олиши ва бўш вақтларини мазмунли ўтказиши, шунингдек, вояга етмаганларнинг қаровсиз қолишлари, жамият учун зарарли хатти-ҳаракат қилишларининг олдини олиш, уларнинг руҳияти ва маънавий тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган турли омилларни бартараф этиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган тадбирлар режаси, комиссия аъзоларининг таркиби ва иш тақсимоти қайта кўриб чиқилди. Шунингдек, соҳада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш вазифалари белгилаб олинди.

**Бектош ИСМОИЛОВ.**
**Мансур НАХАЛОВ олган суратлар.**

Ишбилармонлик

# ДУНЁ БОЗОРИГА ЙЎЛ ТОПГАНЛАР



Ҳасанбой қишлоғидаги мазкур корхона 2014 йилнинг март ойида ишга тушиб, асосан трикотаж кийимлар ишлаб чиқаради. Замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган корхона ўтган йили 1 миллион 200 минг АҚШ долларидан ортиқ маҳсулот экспорт қилди.

– Биз асосан буюртма билан ишлаймиз, – дейди корхона раҳбари Фазлиддин Кенжаев. – Буюртмага эга бўлишда халқаро ярмаркаларнинг ўрни катта экан. 2015 йил октябрда Беларусда бўлиб ўтган ярмаркада Италиядан катта буюртма олдик. Германияга ҳам маҳсулотимиздан намуна жўнатганмиз.

– "Vision textile" корхонаси қишлоғимиздаги бир қанча битирувчиларни ва ишсизларни иш билан таъминлади, – дейди Ҳасанбой қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Комил Ғофуров.

– Корхонанинг кесим бўлимида амалиёт ўтамоқдаман, – дейди Назокат Ваҳобова. – Бу йил Чиноз хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт коллежининг тикувчилик йўналишини битираман. Корхона билан шартнома имзоламоқдамиз. Коллежни битириб, меҳнат фаолиятимни шу ерда давом эттирмоқчиман.

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Ўтган йили коллежни битириб, ишга жойлашдим, – дейди олмалиқлик Гўзал Нурматова. – Автобус уйдан ишга, ишдан уйга олиб бориб қўяди. Тушлик вақти иссиқ овқатимиз тайёр.

Шунинг учун бўлса керак, 100 киши билан иш бошлаган корхонада ҳозир 250 киши иш билан банд. Яна 70 га яқин ишчига эҳтиёж бор.

Корхона раҳбари келгусидаги режалари ҳақида ўртоқлашар экан, Россияда махсус дўкон очиш нияти борлигини айтди.

Зангиота туманида бундай корхоналар бисёр. Туман ҳокимлигининг иқтисодиёт бўлими маълумотларига кўра, 2015 йил экспорт дастурига асосан 44,9 миллион АҚШ долларилик маҳсулот ва хизматлар экспорт қилинди. 2016 йилда эса қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, қандолат, кабель маҳсулотлари ва хизматлар ҳисобидан 108,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган.

**Нозима РАСУЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**

Қонун ва шарҳ

# ТАДБИРКОРЛАР ЭРКИНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

барқарор ўсишга эришилгани қайд этилиб, хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш 2016 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунга асосан акциядорлик жамиятлари бошқаруви, бухгалтерия ҳисоботи ҳамда акциядорлик жамиятлари билан акциядорлар ўртасида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи моддаларига ўзгартириш киритилди. Хусусан, ушбу Қонуннинг 24 моддаси янги банд билан тўлдирилиб, қимматли қоғозларнинг бозор қийматига кенгроқ тушунча берилди.

Дивиденд тўловлари бўйича 53-моддага ўзгартириш киритилиб, унда дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда жамиятнинг айби билан тўланмаган тақдирда тўланмаган дивидендлар бўйича Марказий банк томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланишига ойдинлик киритилиб, пенялар миқдори тўланмаган дивидендлар миқдорининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, 58-моддага қўшимча киритилиб, унда жамиятнинг кузатув кенгашига жамиятнинг йиллик ҳисоботи жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини кўриб чиқиш ҳамда 75-моддаси бўйича жамиятнинг кузатув кенгаши ваколатлари доирасига жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш каби ваколатлари билан тўлдирилди.

79-модда жамиятнинг ижроия органини тузишда жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг ёхуд жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра, жамият директори ёки бошқарув аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилишини назарда тутувчи банд билан тўлдирилди. Шунингдек, 102-моддага ўзгартириш киритилиб, унда жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши ўн кундан кечиктирмасдан тасдиқланишига ўзгартирилди ҳамда янги қўшилган банд билан жамият халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у халқаро аудит стандартларига мувофиқ, ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шартлиги белгилаб қўйилди.

106-модда янги банд билан тўлдирилиб, унга кўра, акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият фонд биржасининг расмий веб-сайтида жамият уставининг матнини, шу жумладан унга доир ўзгартиш ва қўшимчаларни, шунингдек, ошкор этилиши мажбурий бўлган бошқа ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эълон қилиши шартлиги кўрсатиб ўтилди. Бу ўз навбатида жамият акциядорлари ва инвесторларга акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамиятларнинг устави, шунингдек, жамият уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тўсиқсиз ахборот олиш имконини берди.

**Манзура ТУРДИМАТОВА,**
**вилоят молия бошқармаси сектор мудири.**

Тадбир

# ТАНЛОВ ТАРҒИБОТИ

**Олмалиқ шаҳрида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган "Менинг бизнес ғоям" лойиҳасининг тарғиботи бўлиб ўтди.**

Унда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида ёшларни, хусусан, касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, шу орқали янги иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Савдо-саноат палатаси Олмалиқ шаҳар бўлими Халқ банки кредит бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган семинарда ўқувчилар ўз тадбиркорлигини бошламоқчи бўлган ёшлар учун қандай имкониятлар яратилганлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлишди ва ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоблар олишди.

**"Туркистон-пресс".**


ЭЪЛОНЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚУЙИДАГИ НОТАРИУС ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

**Ангрен шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар**
**Ангрен шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар**
**Паркент туман давлат нотариал идорасига 1 нафар**
**Бўка туман 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар**
**Бекобод туман 2-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар**

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
*5. Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*6. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
*7. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2016 йил 25 февраль кунига қадар Тошкент вилояти адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 93-уй.**
**Телефонлар: (0-371) 280-51-04, 280-51-03.**

## ҚАЙТА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ТАКЛИФ

| | |
|---|---|
| Тендер эълон қилинган сана: | 02.02.2016 йил |
| Дастур: | "Қишлоқларни комплекс ривожлантириш учун намунавий уй-жой қуриш Дастури" |
| Шартнома: | Шартномалар рўйхатига мос |
| Номланиши: | Шартномалар рўйхатига мос |
| Тендер таклифларини тақдим этиш учун сўнгги муддат: | Эълон берилган кундан 15 кундан сўнг |

1. Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

2. "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ИК ("Буюртмачи") ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларини қуйида келтирилган шартномалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун ("Қурилиш ишлари") муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

3. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй. Телефонлар (факс): 241-15-26, 241-15-32.

4. Тендер ҳужжатларининг рус тилидаги нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

" "_________ вилояти, ________тумани, _________ массивидаги, ____лот ___та якка тартибдаги уй-жойлар қурилишни амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман" шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

" Тендер ҳужжатлари эълон берилган кундан бошлаб барча иштирокчилар учун очиқ бўлади.

" Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган 85000 сўм миқдордаги пул тўлови тендер ташкилотчи (қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази)сининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказишлари лозим. Қуйида унинг банк ҳисоб рақамлари келтирилган: ИНН 300017720, ОКОНХ 84500, ҳ/р: 20210000204546027001, АТ "TURON" Банк МАБ, МФО 00446.

5. Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:

" Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига.

" Таклифларни тақдим этиш сўнгги муддатигача: шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача.

" Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда Декларация тақдим этиш.

Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишнинг сўнгги кунида тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида Тошкент вилояти ҳокимлиги биносида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй. Тел. (факс): 232-80-98.

Қўшимча маълумотлар учун "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ИКнинг Тошкент вилояти ҳудудий филиалига мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри Бунёдкор шоҳкўчаси, 100. Тел.: 8 (371) 230-61-16.

6. Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар ЙЎАМ (қурилишдаги йиллик ўртача айланма маблағ) талабларига жавоб беришлари лозим.

| A | B | C | D | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Қурилишдаги малакаси (а) ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома | | |
| Лотдаги уй сони | Талаб этилган ЙЎАМ (сўм) | Қурилишдаги малакаси (а) ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм) | Бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м³ | Сўнгги уч йилда бажарилган бетон ишлари м³ | Сўнгги уч йилда қуриб битирилган уйлар майдони м² |
| 8 | 1 440 000 000 | 1 152 000 000 | 240 | 400 | 960 |
| 12 | 2 160 000 000 | 1 728 000 000 | 360 | 600 | 1 440 |
| 13 | 2 340 000 000 | 1 872 000 000 | 390 | 650 | 1 560 |

**Шартномалар рўйхати (лотлар)**

| Лот № | Вилоят | Туман | Массив | Лотдаги уй сони | Уй рақамлари | Таклифларни топширишнинг сўнгги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 248 | Тошкент | Зангиота | А.Икромов | 12 | 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24 | 2016 йил 17 февраль соат 10:00 |
| 249 | Тошкент | Зангиота | А. Икромов | 13 | 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37 | 2016 йил 17 февраль соат 10:00 |
| 315 | Тошкент | Урта Чирчиқ | Куконовул | 8 | 113, 114, 115, 116, 117, 118, 119, 120 | 2016 йил 17 февраль соат 10:00 |
| 768 | Тошкент | Қибрай | Меҳнат | 8 | 121, 122, 123, 124, 125, 126, 127, 128 | 2016 йил 17 февраль соат 10:00 |
| | Жами | | | 41 | | |

## «AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 23 февраль куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган такрорий "Очиқ аукцион" савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган: 1. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан хатланган: Чирчиқ шаҳар ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари нархи арзонлаштирилган ҳолда қўйилмоқда: 1. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 16.02.2015 йилдаги 2-20/854-сонли ижро варақасига асосан: бошланғич баҳоси 12 436 466 сўм бўлган, 2006 йилда и/ч, ранги сариқ (желтый), д/р 10A030JA, техник соз, "ГБА-СПГ-ГАЗ-322132" р-ли микроавтобус; бошланғич баҳоси 12 436 485 сўм бўлган, 2006 йилда и/ч, ранги сариқ (желтый), д/р 10P301EA, техник соз, "ГБА-СПГ-ГАЗ-322132" р-ли микроавтобус; бошланғич баҳоси 12 690 291 сўм бўлган, 2008 йилда и/ч, ранги оқ (белый), д/р 10W213AA, техник соз, "ГБА-СПГ-ГАЗ-322132" р-ли микроавтобус; бошланғич баҳоси 12 436 485 сўм бўлган, 2008 йилда и/ч, ранги оқ (белый), д/р 10A202GA, техник соз, "ГБА-СПГ-ГАЗ-322132-414" р-ли микроавтобус; бошланғич баҳоси 28 187 546 сўм бўлган, 2012 йилда и/ч, д/р 10J121JA, техник соз, "Дамас" р-ли ав-на; 1.2. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 09.03.2015 йилдаги 2-23/863-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 5 966 537 сўм бўлган 1990 йилда и/ч, д/р 10H815JA, "ГАЗ-2410" р-ли ав-на ва бошланғич баҳоси 5 952 930 сўм бўлган, 1990 йилда и/ч, д/р 10F979JA, "ГБА-СПГ-ГАЗ-2410" р-ли ав-на; ЖИБ Яккасарой туман судининг 10.10.2014 йилдаги 1-478/10-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 8 021 807 сўм бўлган, 1986 йилда и/ч, д/р 10N091EA, "ВАЗ-2106" р-ли ав-на; 1.3. ЖИБ Паркент туман судининг 2014 йилдаги 14442, 14443, 14445, 14446, 15713-сонли ҳамда Олмалиқ шаҳар судининг 2014 йилдаги 11226-сонли ижро варақаларига асосан Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан хатланган ҳамда Чирчиқ шаҳар ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: бошланғич баҳоси 2 610 504 сўм бўлган, 1972 йилда и/ч, д/р 01S938KA, "ВАЗ-2102" р-ли ав-на; бошланғич баҳоси 3 596 433 сўм бўлган, 1996 йилда и/ч, д/р 10M064BA, "ГАЗ-31029" р-ли ав-на; бошланғич баҳоси 13 099 401 сўм бўлган, 1995 йилда и/ч, д/р 10H470AA, "Форд-транзит" р-ли микроавтобус; бошланғич баҳоси 5 054 13 сўм бўлган, 1994 йилда и/ч, д/р 10T344AA, "Доган" р-ли ав-на; бошланғич баҳоси 3 902 908 сўм бўлган 1982 йилда и/ч, д/р 10Z923EA, "ВАЗ-2105" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси 856 211 сўм бўлган, 1971 йилда и/ч, д/р 10E529KA, "ВАЗ-2101" р-ли ав-на; 2. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан хатланган ҳамда Олмалиқ шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланаётган: Олмалиқ шаҳар СИБнинг 16.06.2014 йилдаги 11511-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 25 046 739 сўм бўлган, 2008 йилда и/ч, д/р 50F552FA, "ГБА-СПГ-Нексия" р-ли ав-на; Олмалиқ шаҳар СИБнинг 04.10.2013 йилдаги 14546-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 717 921 сўм бўлган, 1973 йилда и/ч, д/р 11A92-19, "ВАЗ-21011" р-ли ав-на; 3. Бўстонлиқ туман СИБ томонидан хатланган ҳамда Бўстонлиқ туман Ғазалкент-2, "Мариам-Текстил-Сервис" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: ЖИБ Бўка туман судининг 11.08.2014 йилдаги 01-277-сонли ижро варақасига асосан бошланғич баҳоси 5 849 233 сўм бўлган, 1988 йилда и/ч, д/р 10R877GA, "ВАЗ-2107" р-ли ав-на; ЖИБ Ўрта Чирчиқ туман судининг 14.02.2014 йилдаги 74-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 35 348 428 сўм бўлган, 2009 йилда и/ч, д/р 10V994GA, "Ласети" р-ли ав-на;

4. Ангрен шаҳар СИБ томонидан хатланган ҳамда Ангрен шаҳар 29-автобазада сақланаётган: ЖИБ Оҳангарон туман судининг 15.04.2011 йилдаги 247-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 30 363 928 сўм 5 тийин бўлган, 1989 йилда и/ч, д/р 11L4120, "Камаз" р-ли ҳамда бошланғич баҳоси 27 814 990 сўм 64 тийин бўлган, 1982 йилда и/ч, д/р 10T843BA, "Камаз" р-ли юк ав-налари.

2016 йил 9 март куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. Ангрен шаҳар СИБ томонидан хатланган ҳамда Ангрен шаҳар ИИБ жарима майдончасида сақланаётган: ЖИБ Тошкент вилоят Ангрен шаҳар судининг 21.02.2013 йилдаги 1101-187/2016-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 1 886 273 сўм бўлган, 1989 йилда и/ч, д/р 10G19-66, "УАЗ-3151201" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент вилоят Ангрен шаҳар судининг 09.12.2015 йилдаги 3/2016-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 27 940 291 сўм 6 тийин бўлган 2008 йилда и/ч, д/р 01Q113NA, "Нексия" р-ли ав-на; ЖИБ Тошкент вилоят Ангрен шаҳар судининг 13.06.2013 йилдаги 1101-186/16-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 27 466 256 сўм бўлган, 2010 йилда и/ч, д/р 10L404DA, "Нексия" р-ли ав-на; 2. Бекобод туман СИБ томонидан хатланан ҳамда Бекобод туман ИИБ жарима майдончасида сақланаётган: ЖИБ Бўка туман судининг 07.02.2012 йилдаги 242-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 990 000 сўм бўлган 1985 йилда и/ч, д/р 10W471BA, "ВАЗ-2103" р-ли ав-на; ЖИБ Бўка туман судининг 14.01.2015 йилдаги 01-06/775-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 1 659 941 сўм бўлган, 1985 йилда и/ч, д/р Д 7201 ТШ, "МС-412" р-ли ав-на;

Савдолар Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда жойлашган "Савдо ташкилотчиси"нинг аукцион залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТБ "INFINbank"даги, МФО 01041, ИНН 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар - паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва устав нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслар - сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел.: (95) 193-74-96, e-mail: info@auksion.uz.

Гувоҳнома № 005148.

## "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 16.10.2015 йилдаги 2-289/15-сонли ижро варақасига асосан; бошланғич нархи - 1 266 089 082 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Авиасозлар кўчаси, 44-уйда жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м., умумий майдони 446,46 кв.м.даги 2 қаватли, 9 хонадан иборат бўлган "тураржой (ҳовли)" қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2016 йилнинг 10 март куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Такрорий аукцион савдосига Тошкент шаҳар СИБ томонидан Жиноий ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 5.12.2011 йилдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан; 1) Бошланғич нархи - 355 817 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, М. Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 202-уйда жойлашган, умумий майдони 184,20 кв.м.дан иборат "тураржой"; 2) Бошланғич нархи - 1 900 129 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Подшобоғ кўчаси, 61-, 63-уйда жойлашган, умумий майдони 1090 кв.м.дан иборат, икки қаватли "тураржой"; 3) Бошланғич нархи - 315 873 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Мирҳосилбой 1-тор кўчаси, 16-уйда жойлашган, умумий майдони 336,0 кв.м.дан иборат "тураржой"; 4) Бошланғич нархи - 353 568 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Мирҳосилбой кўчаси, 20-уйда жойлашган, умумий майдони 341,10 кв.м.дан иборат "тураржой"лар қўйилмоқда. Такрорий аукцион савдолари 2016 йилнинг 23 февраль куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

Маънавият

# ИСТИҚЛОЛ ВА НАВОИЙ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунда мен бир савол берганимда, кўнгилдагидек жавоб ололмадим.

Нима учун Навоийни яхши билмаймиз? Ўзбекистонда ўзини ўзбек деган, нафақат ўзбек, ўзбек тилини биладиган маҳаллий миллат вакили бўлган одам Навоийни севиши, севишгина эмас, уни юрак тўрида сақлаб, ардоқлаши лозим.

Оғир кунларда, айтайлик, Навоий меросига суяниш, ундан мадад топиш ҳаммамиз учун керак.

Мен: "Нима учун Навоий шеърларини мактабларда ўргатишда тегишли имконият етишмаяпти?" деб сўрадим. Жавоб чиқмади.

Навоий асарларини ўқиб тушунадиган болаларни тарбиялашда нега оқсаяпмиз?

...Мана шу масала, шу муаммони ечишда менга ёрдам берсангизлар, сизлардан бундан ҳам кўра кўпроқ миннатдор бўлар эдим.

Мен қаерда Алишер Навоий шеърларини биладиган одамни кўрсам, ҳавасим келади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, шоир шеърларини эшитганда одам завқланиб кетади-ю, лекин ўзининг заифлигини тушунадики, Алишер Навоий у ёқда турсин, у кишидан олдин ўтган аждодларимизни ҳам ўқиб, тушунишга ожизмиз.

Гапим тўғрими?

Яъни биз бормиз, улуғ, беқиёс, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган мерос бор-у, шу мерос ёнимизда ётибди-ю, шу меросдан баҳраманд бўлиш қўлимиздан келмайди".

Бу қимматли фикрлар амалда олимларимизнинг Навоийга муносабатини янада теранлаштиради, ҳаммамизни, хусусан, ёшларимизни бу улуғ шоирнинг бой меросидан баҳрамандликка даъват этади.

2001 йили халқимиз башарият ақл-тафаккури ва бадиият олами каҳкашонидаги улуғ зот, ўзбек халқининг буюк мутафаккири Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратлари таваллудининг 560 йиллик муборак тўйини нишонлади. Асосий тантаналар шоир номи билан аталган шаҳарда бўлиб ўтди.

Бу байрам иштирокчиси камида тўрт муҳим жиҳатнинг гувоҳи бўлди.

Биринчиси шуки, Навоий шаҳрида 103 гектарлик янги ажойиб боғ барпо этилди. У ерда шоирнинг муҳташам ҳайкали тикланди. Унинг саҳнида амфитеатр қурилди. Бу маскан ажойиб байрамлар, маънавий-маърифий анжуманлар ўтказиладиган майдонга айлантирилди.

Навоий шаҳрида бу боғнинг бунёд этилиши, умуман, шу тантаналар муносабати билан амалга оширилган улкан ободончилик ва таъмирлаш ишларида халқ худди ўша замонлардагидек ҳашарга чиқди ва шу тариқа ўз меҳнати билан амалда улуғ Навоийга чексиз ҳурматини ифодалади.

Иккинчи жиҳат шундан иборатки, боғнинг тантанали очилиш маросимида муҳтарам Президентимиз нутқ сўзлади. Навоий ҳазрати инсоннинг инсондай яшашини орзу қилгани ва шуни умр бўйи тарғиб этганини айтиб: "Биз ҳам шуни истаймиз. Бу йўлда қўлимиздан келган барча ишни қилишга тайёрмиз. Одам дунёга келиб, бахтли яшаши, яйраб-яшнаши, ўз меҳнатидан завқланиши, инсондай дам олиши, боғ-роғлардан баҳра топиши керак", деди.

Халққа хизмат шоир ҳаёти ва ижодининг бош ғояси эди. Президентимиз таъкидлаганидек: "Агар шоир асарларини варақласак, деярли ҳар саҳифасида халқ, эл, улус, юрт, раият деган сўзларнинг меҳр, мурувват, оқибат, саховат, садоқат сўзлари билан узвий боғланиб кетганини кўрамиз".

Учинчи муҳим жиҳат шуки, шаҳардаги муҳташам "Фарҳод" маданият саройида "Алишер Навоий ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти" мавзуида илмий анжуман бўлиб ўтди. Олимларимиз Навоий меросининг турли қирраларини ёритадиган маърузалар қилди.

Тўртинчидан, ўша куни кечқурун Навоий ҳайкали пойидаги амфитеатрда вилоят санъат усталарининг концерти берилди. Унда вилоят аҳли вакиллари қатнашди.

Хуллас, шоир таваллудининг 560 йиллиги тантаналари якун топар экан, қатнашчилар кўнглидан: "Навоийликлар ўз вилоят ва шаҳарларини шоир номига мос равишда гуллаб-яшнатишга қодир", деган фикр кечди. Чунки инсондай яшашга бел боғлаган халқ, албатта, ниятига етади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида Алишер Навоий мероси "маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар" қатори алоҳида тилга олинади, жумладан, унга мана бундай юксак баҳо берилади: "Агар бу зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир".

Юртбошимиз шу асарида Навоий меросини ўрганишнинг аҳамиятини ҳам кўрсатиб беради: "Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз".

Бу йил Алишер Навоий таваллудига 575 йил тўлади. Шу муносабат билан мамлакатимизда йил давомида махсус дастур асосида катта тадбирлар ўтказилади.



Айнан мустақиллик йилларида Москва (2002 йил 27 ноябрь), Токио (2004 йил 26 март), Боку (2008 йил 11 сентябрь) шаҳарларида улуғ бобомизга ҳайкал қад ростлади.

Алишер Навоий асарлари хорижий тилларга таржима қилинаяпти. Бунда ўзимизнинг зиёлилар кўпроқ ташаббускор бўлаётгани ҳам кишини қувонтиради. Очиғини айтганда, ҳали башарият Навоийни борлиғича тасаввур эта олгани йўқ. Бунинг учун унинг бой ва бетакрор меросини кенг ёйишимиз керак.

Хуллас, мустақиллик йилларида бу улуғ шоиримизга муносабатимиз тобора кучайиб бораяпти. Буни жойларда, жумладан, вилоятимизнинг турли шаҳар ва туманларида ўтказилаётган навоийхонлик тадбирлари кўлами ва даражасидан ҳам билса бўлади.

**Султонмурод ОЛИМ,**
**Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти профессори вазифасини бажарувчи.**

# ВАТАНПАРВАРЛИК – МУҚАДДАС ТУЙҒУ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон мустақилликка эришгач эса, миллий ва маданий қадриятларимизга эътибор тубдан ўзгарди. Натижада, миллати ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро Ўзбекистон Республикасига ўз она Ватани сифатида муносабатда бўлиб, уларнинг ватанпарварлик туйғулари тобора кучайиб бораётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон аҳолисининг кўпмиллатлилигига ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва маънавий қайта тикланишининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамиятни янгилаш, уни демократлаштиришга ундовчи зўр куч бўлиб хизмат қилмоқда" деган сўзлари ҳам фикримизнинг далилидир.

Шу билан бирга турли миллат вакилларидан иборат спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда ғалаба қозониб, шоҳсупага кўтарилганларида Ўзбекистон байроғи баланд ҳилпираб, кўзларида ғурур ва қувонч ёшлари кўринганда, шунингдек, санъат ва илм-фанда ҳам халқаро эътирофларга эришган юртдошларимизнинг фахр ва ғурурга тўла чеҳраларини кўрганда ҳар бир юртдошимизнинг қалбида ватанпарварлик туйғуси янада жўш уриши табиий, албатта. Бу каби фидойи инсонлар ҳукуматимиз томонидан мунтазам рағбатлантирилаётгани улардаги ватанпарварлик туйғусининг давлат даражасида эътироф этилиши, дейиш мумкин.

Манбаларда қайд этилганидек, миллий ўзликни англаш, ўзга этник гуруҳ вакиллари тарихи, маданияти, урф-одатлари ва анъаналарига ҳурмат билан қараш ўз миллий ҳудудий бирлигида истиқомат қилувчи миллатдошлари тақдири, уларнинг ўтмиши ва келажагига, юртнинг равнақига масъулиятни чуқур ҳис этиш билан бир қаторда, бошқа мамлакатларда яшовчи миллатдошларининг ҳам тақдирига бефарқ бўлмаслик каби жиҳатларда ўз ифодасини топади. Миллий руҳ эса, миллатнинг ички руҳий ҳолати, кечинмалари, ҳис-туйғулари, маънавий дунёси, ўй-фикрлари, мақсад ва маслаги ҳамда кайфиятини ифодаловчи тушунча бўлиб, узоқ тарихий давр мобайнида шаклланади ва у миллат тараққиётида ҳаётбахш манба бўлиб хизмат қилади. Чунки, миллий руҳ халқни ўзаро уюшқоқлиги, барча миллатлар, динлар, ижтимоий гуруҳлар ва бошқа табақалар вакилларининг ҳамжиҳатлиги, иноқлиги, ҳамкорлиги каби қатор тушунчаларни қамраб олади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, миллий ўзликни англаш ва миллий руҳни янги поғонага кўтариш орқали шаклланадиган ватанпарварликдек муқаддас туйғунинг миллати ва дини, эгаллаб турган лавозими ҳамда иқтисодий ҳолатидан қатъи назар, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг кўнглида янада жўш уришига эришиш йўлида илдам қадам ташлашимиз лозим бўлади. Бунинг учун, биринчи навбатда, барча соҳаларда, турли даражадаги раҳбарларнинг масъулиятини янада кучайтириш талаб этилади. Чунки, ҳуқуқ ва мулкка эга шахсларда ватанпарварлик туйғусининг том маънода кучайиши ва амалда намоён бўлиши, яъни Президентимиз таърифи билан айтганда, ўз вазифасига "виждон ва инсоф" билан ёндашишини, нафақат улар раҳбарлик қилаётган жамоа аъзолари, балки жамиятдаги бошқа ижтимоий табақа вакилларининг ҳам бу борадаги ишончи ва фаолиятини бир мақсад йўлида бирлаштириб, глобаллашув жараёнида мамлакатимизга кириб келаётган турли хавф ва таҳдидларнинг олдини олиш, уларни ўз вақтида бартараф этиш имконини берувчи муҳим омиллардан биридир.

**Шуҳрат РАСУЛОВ,**
**юридик фанлар номзоди.**




## СИМСИЗ ЗАРЯДЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

**Apple компанияси iPhone ва iPad аппаратларини симсиз зарядлаш имкониятини берувчи технологияни яратмоқда. Маълум қилинишича, ушбу янгилик 2017 йилда ишга туширилади.**

Яратилаётган қурилманинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда қувватни узатувчи пластиналар бўлмайди. Appleнинг бир қатор рақобатчилари, жумладан, Samsung, Sony ва Google ҳам ўзларининг симсиз зарядлаш усулларини тавсия этган эдилар. Бироқ, уларнинг тавсиясига кўра, гаджетдан кўпи билан 4 сантиметр масофада жойлашган узатгич бўлиши шарт.

Компания янги технология устида АҚШ ҳамда Осиё мамлакатларидаги шерик компаниялар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Компания база станцияси сифатида iMac компьютеридан фойдаланишни режалаштирган. У гаджетдан бир метр оралиқда туриши мумкин. Бундай технология Appleнинг соатларида қўлланилмоқда.



## ЮПҚА КОРПУСЛИ ЯНГИ СМАРТФОН

**Хитойнинг электрон аппаратлар ишлаб чиқарувчи Uhans компанияси S1 моделли, ҳошиясиз, ультраюпқа корпусли смартфон яратиш устида олиб борган изланишларини ниҳоясига етказди.**

Ушбу янги смартфоннинг энг муҳим афзаллиги шундаки, унинг дисплейи атрофида ҳошия мутлақо йўқ. Компаниянинг ушбу гаджети олдингиларига нисбатан янада юқори нуфузга эга бўлиши аниқ. Зеро, унинг экрани корпуснинг четларигача давом этиб, анъанавий ҳошиядан ҳоли, шу боис, 5 дюйм атрофида бўлади. Мутахассисларнинг таърифлашларига қараганда, ушбу янги қурилма юксак техник кўрсаткичларга эгалиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Унинг корпуси ўта мустаҳкам бўлиб, икки томондан тобланган ойна билан ҳимояланган.

Компания ўзи яратаётган янгиликнинг нархи хусусида ҳозирча ҳеч қандай маълумот бермаяпти. Шунингдек, унинг қачон савдога чиқарилиши ҳам ҳозирча номаълум.

## НЕФТЬ АРЗОНЛАШИБ, ДАРОМАД ПАСАЙДИ

**Мексика энергетика вазири Педро Хоакин Колдуэлл эълон қилган маълумотда айтилишича, нефть хом ашёси нархи кескин пасайгани сабабли мамлакатнинг шу соҳадан олаётган даромади 70 фоизга тушиб қолди.**

Нефть қазиб чиқариш бўйича жаҳонда ўнинчи ўринда турган Petroleos Mexicanos давлат компанияси, айниқса, катта молиявий зарар кўрди. Колдуэллнинг айтишича, ҳозир жаҳоннинг барча нефть компаниялари ўзларининг соҳага оид лойиҳаларини 200 миллиард долларга қисқартиришга мажбур бўлмоқда.

Бу орада халқаро рейтинг агентлиги кейинги даврдаги ўзгаришларга оид башоратларни эълон қилди. Ушбу маърузага кўра, нефтнинг нархи аста-секин ошиб бориб, 2016 йилнинг ўрталарида бир баррели 45 доллар, 2017 йилда 55 доллар, 2018 йилда 60 долларга чиқади.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига: I. Тошкент вилояти Зангиота тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан: Тошкент вилояти Зангиота тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган: 3726/2-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1. 1982 йилда и/ч., дав/рақ: 10J165FA, бошланғич баҳоси - 4 050 515 сўм бўлган "ВАЗ 210333" русумли; 2-88-15-сонли ижро ҳужжатига асосан: 2. 2008 йилда и/ч., дав/рақ: 10V770EA, бошланғич баҳоси - 41 611 356 сўм бўлган "Тойота ЯРИС" русумли; 3. 1999 йилда и/ч., дав/рақ: 01Y566DA, бошланғич баҳоси - 34 210 745 сўм бўлган "Мерседес Бенц С 180" русумли; 3. Тошкент вилояти Зангиота тумани "OAZIS MEGA BIZNES" SAVDO МЧЖ омборхонасида сақланаётган: 11919/24-сонли ижро варақасига асосан: 2013 йилда и/ч., дав/рақ: 01M449PA, бошланғич баҳоси - 31 334 842 сўм бўлган "Кобальт" русумли автотранспорт. 4. Тошкент вилояти, Зангиота тумани "Кўк-Терак Матлубот Инвест" МЧЖ да сақланаётган: 2015 йил 27 апрелдаги 86/1573-сонли ижро варақасига асосан: 2012 йилда и/ч., дав/рақ: 10N491KA, бошланғич баҳоси - 24 950 430 сўм бўлган "СПАРК" русумли автотранспорт воситалари. II. Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан: Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланаётган: 1. 18.03.2014 й. 6416-сонли ижро ҳужжатига асосан: 2006 йилда и/ч., дав/рақ: 10E454CA, Бошланғич баҳоси - 6 642 166 сўм бўлган, "ВАЗ-21150" русумли техник носоз; 2. 02.06.2014 й. 10565-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1982 йилда и/ч., дав/рақ: 10A468JA, Бошланғич баҳоси - 3 160 956 сўм бўлган, "ВАЗ-2106" русумли техник носоз; 3. 02.06.2014 й. 10564-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1980 йилда и/ч., дав/рақ: 10L602CA, бошланғич баҳоси - 2 603 438 сўм бўлган, "ВАЗ-21011" русумли техник носоз; 4. 23.01.2014 йилдаги 1849-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1977 йилда и/ч., дав/рақ: 10W8556, бошланғич баҳоси - 1 450 757 сўм бўлган "Ваз-2101" русумли техник носоз; 5. Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар 1-сонли ИИБда сақланаётган: 18.11.2013 йилдаги 17585-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1985 йилда и/ч., дав/рақ: 11G0603, бошланғич баҳоси - 1 168 730 сўм бўлган "УАЗ 469" русумли техник носоз; 6. Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар, "Савдо" МЧЖ омборида сақланаётган: 11.02.2013 йилдаги 433-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1985 йилда и/ч., дав/рақ: 6981 ТША, бошланғич баҳоси - 380 638 сўм бўлган "Урал" русумли техник носоз; 7. 25.05.2010 й. 7576-сонли ижро ҳужжатига асосан: и/ч. йили номаълум, дав/рақ: йўқ бўлган, бошланғич баҳоси - 461 322 сўм бўлган, "Урал" русумли техник носоз; 8. 19.05.2010 й. 3344-сонли ижро ҳужжатига асосан: и/ч. йили номаълум, дав/рақ: йўқ бўлган, бошланғич баҳоси - 447 059 сўм бўлган, "Урал" русумли техник носоз; 9. 19.05.2010 й. 3344-сонли ижро ҳужжатига асосан: и/ч. йили номаълум, дав/рақ: йўқ бўлган, бошланғич баҳоси - 447 078 сўм бўлган, "Урал" русумли техник носоз мотоцикл ва автортранспорт воситалари такроран қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2016 йил 17 февраль куни соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар ва автотранспорт воситалари билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакилари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Гувоҳнома № 006795.

ЭЪЛОНЛАР

AGROBANK

"MOODY'S"

халқаро рейтинг агентлиги 2016 йил 1 февралда

"Агробанк"

акциядорлик тижорат банкининг халқаро рейтингини

"Барқарор"

деб баҳолади

www.agrobank.uz Хизматлар лицензияланган

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Навбатчи Бектош ИСМОИЛОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-5048. Адади 14095. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.45.